

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЛЛАМБЕРГЕНОВ САПАРБАЙ ДАУЛЕТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ
ҲАМ ОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Алламбергенов Сапарбай Даулетбаевич

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятининг
ташкилий-ҳуқуқий асосларинитакомиллаштириш..... 3

Алламбергенов Сапарбай Даулетбаевич

Совершенствование организационно-правовых основ деятельности
Совета Министров Республики Каракалпакстан..... 23

AllambergenovSaparbayDauletbaevich

Improvement of the organizational-legal basis of the activity of the Council
of Ministers of the Republic of Karakalpakistan..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЛЛАМБЕРГЕНОВ САПАРБАЙ ДАУЛЕТБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ
ҲАМ ОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3PhD/Үи90 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми) Илмийкенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тулътеев Ильяс Тавасович**
юридик фанлар доктори, доцент

Хашимхонов Ахрорхон Муминович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үи.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «26» апрель куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45.Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «12» апрель куни тарқатилди.

(2019 йил «12» апрелдаги «17» рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

И.Т. Тулътеев,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашув ва рақобат муҳитининг кучайиши, халқларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиши ҳамда фуқароларнинг келгуси фаровон ҳаётга бўлган эҳтиёжи ва талабларининг тобора ортиб боришида бевосита шахс, жамият ва мамлакат манфаатлари учун масъул ва жавобгар бўлган давлат ҳокимияти, шу жумладан, ҳукумат фаолияти алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларини либераллаштиришда ҳукуматнинг ролига нисбатан янгича ёндашувларни қарор топтириш ва ривожлантириш талаб қилинади.

Жаҳон мамлакатларида ҳукуматнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрнини белгилаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда парламент олдидаги масъуллиги ва ҳисобдорлигини кучайтиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада, ҳукумат ваколатлари ва унинг таркибини шакллантириш, ҳукумат аъзолари мақоми ва уларнинг фаолиятини баҳолаш ҳамда ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва унинг бошқа давлат органлари билан муносабатлари каби тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида “давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш”¹ вазифалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясида “ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш ҳамда вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини такомиллаштириш”² вазифалари белгиланганлиги алоҳида эътиборга молик. Ушбу вазифалар ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ва унинг таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти, шу жумладан, Вазирлар Кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқот ўтказиш долзарб ҳисобланади. Жумладан, Вазирлар Кенгаши ўз таркибида бошқарув органларининг катта қисмини қамраб олганлиги ва унинг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси ҳаётининг барча жабҳаларига кенг таъсир этиши сабабли, ушбу давлат ҳокимияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://lex.uz> - мурожаат қилинган сана – 01.01.2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони // URL – <http://press-service.uz/uz/lists/view/1008> - мурожаат қилинган сана – 01.01.2019.

фаолиятинингташкилий-ҳуқуқий асосларини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича асосли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2017), Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси (2014), «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (2003), «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги (2016), «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги (2016), «Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги (1998) қонунларни янада такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2017) фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ваҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юридик фанда миллий давлатчилигимиз негизидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоя ва таълимотлар, давлат ҳокимияти бўлиниши принципи муаммолари ва ушбу органлар фаолиятининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича мамлакатимиз олимлари Ш.Аббосхўжаев, Х.Адилқариев, С.Адилходжаева, А.Азизхўжаев, А.Акилов, Ш.Асадов, Л.Ахунджанов, М.Бойдадаев, З.Воҳидов, Г.Ерниязова, Б.Исмоилов, А.Йўлдошев, Х.Маматов, М.Миракулов, Ў.Мухамедов, Х.Мухамедходжаева, Ф.Мухитдинова, М.Нажимов, С.Ниетуллаев, Ф.Отахонов, Ф.Раҳимов, А.Раҳимов, А.Саидов, Ш.Сайдуллаев, С.Селиманова, С.Султонов, Ж.Тошқулов, И.Тулътеев, А.Туляганов, А.Турсунов, Қ.Умарова, Ш.Уразаев, М.Утемуратов, Р.Ҳақимов, И.Ҳамедов ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти ва унинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатлари, шунингдек, ҳукумат фаолиятининг ҳуқуқий асосларига доир айрим масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари Б.Алимов, М.Аҳмедшаева, Б.Дауменов, Г.Исмоилова, Е.Кутыбаева, Г.Маликова, А.Раҳманов, Х.Рузметов, З.Рузиев, З.Реймова, О.Хусанов, А.Хошимхонов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Ушбу йўналишларда хорижий олимларК.Агалов, М.Баглай, Д.Бахрах, К.Бельский, Л.Бушуева, Б.Габричидзе, З.Гадъльшина, С.Дмитриев, Б.Елисеев, А.Истаев, Л.Калинина, Ю.Козлов, М.Крутоголов, Ш.Курманалиева, Д.Лагун, В.Лазарев, Н.Лугуева, А.Макаренко, И.Муксинов, Р.Наурызбаев, С.Поленина, Д.Приймак, Ю.Стариков, Б.Россинский, К.Сафинов, М.Топоркова, А.Шашкова, И.Шувалов¹ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг ишларида айнан республика Вазирлар Кенгаши – Қорақалпоғистон ҳукуматининг айрим фаолияти, хусусан, унинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни, ваколатлари, ҳуқуқ ижодкорлиги, таркибини шакллантиришнинг ҳуқуқий механизми ва бошқа давлат органлари билан муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва тартиби билан боғлиқ муаммолар алоҳида комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Шу сабабли ушбу мавзунини тадқиқ қилиш долзарбдир.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаси (2015 - 2018 й.), Қорақалпоқ давлат университетининг давлат илмий-техника дастурларига мувофиқ Ф-1-79 «Жамоатчилик назорати тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш муаммолари» мавзусидаги лойиҳа (2016 - 2017 й.), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг давлат илмий-техника дастурларига мувофиқ ПЗ-20170930294 «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ва ўзгартириш ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарларни қоплашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги (2018 - 2020 й.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятини тизимли ва комплекс тадқиқ этиш орқали унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича асослантирилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида Вазирлар Кенгашининг тутган ўрнини таҳлил қилиш;

Вазирлар Кенгаши таркибини шакллантиришнинг ҳуқуқий механизмини таҳлил қилиш орқали ушбу соҳани янада такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифларни шакллантириш;

Вазирлар Кенгаши Раиси мақомини белгиловчи нормалар ва унинг фаолиятини баҳолаш мезонларини таҳлил қилиш асосида илмий-амалий таклиф ва тавсияларни шакллантириш;

Вазирлар Кенгаши фаолиятининг асосий принципларини тадқиқ этиш орқали назарий-ҳуқуқий таклифларни шакллантириш;

Вазирлар Кенгаши ваколатларини тадқиқ этиш орқали илмий-амалий таклифни шакллантириш;

Вазирлар Кенгашининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини тадқиқ этиш;

Вазирлар Кенгашининг давлат органлари билан муносабатларини таҳлил қилиш асосида илмий-амалий таклиф ва тавсияларни шакллантириш;

айрим хорижий давлатларнинг ҳукуматлари фаолиятига оид илғор тажрибаларни ўрганиш асосида Вазирлар Кенгаши фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятини тартибга солувчи конституциявий-ҳуқуқий нормаларни амалга оширишда юзага келадиган муаммолар ечимига қаратилган илмий-назарий ғоя, фикр ва қарашларни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, формал-мантиқий, илмий-ҳуқуқий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Вазирлар Кенгаши Раисининг Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг долзарб ва муҳим масалалари юзасидан ҳисоботини Жўқорғи Кенгеси сессиясида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

Вазирлар Кенгаши аъзоларининг Жўқорғи Кенгеси олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтириш мақсадида Жўқорғи Кенгеси Президиумига парламент сўровини йўллаш ваколатини бериш зарурати асослантирилган;

Жўқорғи Кенгеси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмига Вазирлар Кенгаши Раисига нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқини бериш ва ишончсизлик вотумини Жўқорғи Кенгеси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми томонидан қабул қилиш зарурати асослаб берилган;

Вазирлар Кенгаши Раиси номзодини Жўқорғи Кенгесига ўтказилган сайловда энг кўп депутатлик ўринлари ёки тенг миқдорда депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партиялар томонидан Жўқорғи Кенгеси Раисига таклиф этиш, Жўқорғи Кенгеси Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда унинг номзодини Жўқорғи Кенгеси депутатлари кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

Вазирлар Кенгашининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатларини белгилаш ва уларни самарали амалга оширишга хизмат қилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида қуйидагиларни белгилаш таклифи асослаб берилган:

- 1) Вазирлар Кенгаши таркибини белгиловчи қондани;
- 2) Вазирлар Кенгаши ваколатларини белгиловчи қондани;
- 3) Вазирлар Кенгаши Раисининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини Жўқорғи Кенгеси сессиясида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш қондасини;
- 4) Вазирлар Кенгаши ўз фаолиятида Жўқорғи Кенгеси баробарида Жўқорғи Кенгеси Раиси – Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбари¹ олдида жавобгарлигини;

¹ Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси – Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбари ва энг олий лавозимли шахси сифатида унинг мақомига доир қоида белгиланган. Ушбу конституциявий қоида асосида кейинги матнларда “Жўқорғи Кенгеси Раиси – Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбари” деб юритилади // URL: <http://parliamentrk.gov.uz/uz/dokumenti/konstitucija-respubliki-karakalpakstan/>— мурожаат қилинган сана – 01.01.2019;

5) Жўқорғи Кенгеси Раиси – Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбарига Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракатларни содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини муддатидан олдин лавозимидан озод этиш ваколатини.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишининг хулосалари давлат ҳокимияти, шу жумладан, ҳукумат фаолиятига оид миллий ва хорижий қонунчилик ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий илғор тажриба ҳамда ўтказилган социологик сўровнома натижаларининг таҳлили асосида илгари сурилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг методологик-услубий ёндашувларини такомиллаштириш ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ» ва бошқа давлат-ҳуқуқий фанларни назарий бойитишда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда ҳамда ҳукумат ва бошқа ижро органлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, шунингдек, олий юридик таълим муассасаларида давлат-ҳуқуқий фанларни ўқитишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалардан қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган:

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини баҳолашда Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳисоботини Жўқорғи Кенгеси сессиясида муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2015 йил 28 июлдаги 43/VI-сонли сессия қарори билан қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги Қонуни 15¹-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунийлик, суд-ҳуқуқ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масалалари қўмитасининг 2015 йил 11 декабрдаги 03хқ-04-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф Жўқорғи Кенгеси томонидан Вазирлар Кенгаши Раисининг Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилишда Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш имконини берган;

Жўқорғи Кенгеси Президиумига парламент сўровини йўллаш тўғрисидаги таклифни Жўқорғи Кенгесига киритиш ваколатини бериш таклифи 2016 йил 28

декабрда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуни 14-модда ва 18-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунийлик, суд-ҳуқуқ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масалалари кўмитасининг 2017 йил 15 февралдаги 03-134-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф Жўқорғи Кенгеси Президиумига Вазирлар Кенгаши аъзолари ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юбориш имкониятини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатларини белгилаш ва уларни самарали амалга ошириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2017 йил 30 декабрдаги сессиясида 166/ХІХ-сонли қарори билан қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунийлик, суд-ҳуқуқ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масалалари кўмитасининг 2017 йил 30 декабрдаги 03-1001/1-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатларини аниқлаштириш ва уларни самарали амалга оширишга хизмат қилган;

«Конституциявий ҳуқуқ» номли дарслик ва «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятининг ҳуқуқий асослари» номли ўқув қўлланма нашр этилган. (Ички ишлар вазирлиги академиясининг 19.05.2016 йилдаги № 24-сон қарори ва 16.09.2017 йилдаги «Илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида»ги далолатномаси). Натижа тингловчиларда давлат ҳокимияти, шу жумладан ҳуқумат фаолияти ҳақида назарий-ҳуқуқий билимларни эгаллашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференция материаллари ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий ишлар, жумладан, 1 та дарслик (муаллифлар жамоаси), 1 та ўқув қўлланма, 8 та мақола (Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 7 та), 1 та мақола хорижий журналда, 6 та тезис (4 та республика, 2 та халқаро конференцияларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги,

тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ватузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши – ижро этувчи ҳокимиятнинг олий коллегиял органи»** деб номланиб, у икки параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда мавзунинг назарий-методологик жиҳатлари илмий тадқиқ этилган. Хусусан, давлат ҳокимияти бўлиниши принципи, улар ўртасидаги муносабатлар, давлат ҳокимияти тизимида ижро органлари фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича олимлар нуқтаи назарлари тадқиқ этилиб, муаллифнинг илмий фикр-мулоҳазалари билдирилган. Шу асосда муаллиф *“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши”* тушунчасига таъриф ишлаб чиққан. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида Вазирлар Кенгашининг тутган ўрни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан қуйидагича очиқ берилган:

республикада Вазирлар Кенгаши олий ижро этувчи-бошқарувчи мустақил коллегиял давлат ҳокимияти ҳисобланиши;

Вазирлар Кенгаши Конституция ва қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаши орқали республика иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий соҳаларига умумий раҳбарлик қилиши, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тизимини бошқариши;

Вазирлар Кенгаши ўз таркибида бир нечта бошқарув органлари тизимини қамраб олиши, улар фаолиятини йўналтириши, мувофиқлаштириши ва назорат қилиши, ушбу органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиши, улар ўртасида пайдо бўлган баҳсли масалаларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиши;

республикада умуммажбурий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши ва Жўқорғи Кенгесига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириши;

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида республиканинг ташқи иқтисодий, илмий-техникавий фаолиятини амалга оширишда ҳукумат номидан иштирок этиши;

Вазирлар Кенгашининг яхлит тизимига ҳукумат Раиси, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлари ва давлат қўмида раислари таркибида раҳбарлик қилиши ва ҳоказо.

Тадқиқотда ҳукумат таркиби ва уни шакллантириш механизмига доир миллий ва хорижий қонунчилик ҳужжатлари таҳлил этилган. Шунингдек, ҳукумат таркибини белгиловчи қоида ҳамда ҳукумат таркибидаги айрим мансабдор шахсларнинг мақомини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар асосланган:

1. Вазирлар Кенгаши таркибини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилинганда ҳукумат таркиби фақатгина Қорақалпоғистон Республикасининг «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги Қонунида белгиланган қоидалар билан чегараланганлиги аниқланган. Аммо, ҳукуматнинг асосий фаолиятини тартибга солувчи Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида эса Вазирлар

Кенгаши таркиби тартибга солинмаганлиги қайд этилган. Шунингдек, ушбу соҳада хорижий давлатлар (Россия (110-м), Туркманистон (73-м), Қирғизистон (83-м), Тожикистон (73-м), Беларусь (106-м), Арманистон (85-м), Озарбайжон (115-м), Молдова (97-м), Украина (114-м), Россия Федерацияси таркибидаги Татаристон (100-м), Бошқирдистон (94-м), Адигея (85-м), Доғистон (84-м), Коми (89-м), Олтой (120-м), Бурятия (92-м)нинг Конституциялари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган.

Миллий ва хорижий қонунчилик ҳужжатларининг таҳлили натижасида *Вазирлар Кенгаши таркибини Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида белгилаш* таклифи ишлаб чиқилган.

2. Вазирлар Кенгаши Раисининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш зарурлиги таъкидланган. Хусусан, биринчидан, ҳукумат Раиси ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киритилган бўлса, ҳозирда Вазирлар Маҳкамаси таркибида муайян бир ҳуқуқий мақомга эгами? Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги муносабатларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вазирлар Кенгашининг доимий ваколатхонаси амалга ошириб келаётган бўлса, ҳукумат Раисининг Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги фаолияти ва унинг ўрни қандай? тадқиқотда шу каби табиий саволлар илгари сурилган.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси парламенти ва суд ҳокимияти фаолиятини тартибга солувчи айрим қонунлар таҳлил қилинган. Жумладан, 2002 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун 15-моддасида “Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси вакили бўлади”, 2017 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига сайланадиган судьялар орасида Қорақалпоғистон Республикасининг вакили” бўлишига доир қоидалар ёритилган.

Ушбу қоидалар бевосита Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси ўртасидаги муносабатларни самарали таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Шу боис, Қорақалпоғистон Республикаси¹ ва унинг давлат ҳокимияти, шу жумладан, ҳукумат мақоми асосида *Вазирлар Кенгаши Раисининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш* тавсияси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари**» деб номланган бўлиб, у уч параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда ҳукумат фаолиятининг асосий принциплари, унинг ваколатлари ҳамда ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилиб, шу асосда қуйидаги таклиф ва тавсиялар асослантирилган:

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик декларацияси». – Тошкент: 1990; Қорақалпоғистон Республикасининг «Давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияси». – Нукус: 1990; Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуни. – Тошкент: 1991. 1, 17-м // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991. 11-сон, 246-м; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: 2017. 70-75-м; Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. – Нукус: 2014. 1-м.

1. Муаллиф ҳукумат фаолиятида “коллегиаллик”, “демократия ва қонунийлик”, “Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш” гадоир асосий принциплар бугунги кунда ҳукумат фаолиятини амалга оширишда етарли эмас деб ҳисоблаб, Вазирлар Кенгаши фаолиятида асосий принцип сифатида “давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи”, “фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш принципи”, “очиқлик ва ошкоралик принципи”, “масъуллик ва ҳисобдорлик принципи” ва “буйсуниши” принципларини белгилаш таклифи ишлаб чиқилган. Муаллиф ҳукумат фаолиятида “давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи”нинг белгиланиши ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа олий давлат ҳокимияти фаолиятида ҳам асосий принцип сифатида белгилаш зарурлигини тавсия этган.

2. Муаллиф Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ҳукумат ва ҳукумат Раисининг ваколатлари алоҳида қоидалар билан тартибга солинганлиги бўйича таҳлил ўтказган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Асосий қонуни (86-91-м)да ҳукуматнинг ваколатлари алоҳида конституциявий қоидалар билан тартибга солинмаганлигини қайд этади (ҳукумат Раисининг ваколатлари бундан мустасно).

Ушбу соҳада хорижий тажрибалар ҳам қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган. Хусусан, Хитой (89-м), Қозоғистон (66-67-м), Қирғизистон (88-89-м), Туркменистон (75), Беларусь (106-107-м), Озарбайжон (119-м), Арманистон (89-м), Украина (116-м), Россия Федерацияси таркибидаги Татаристон (102-м), Бошқирдистон (96-м), Доғистон (88-89-м), Бурятия (93-м), Ингушетия (87-м), Адигея (87-м), Олтой (121-м) ва бошқа республика Конституцияларида ҳукумат ҳамда ҳукумат Раисининг алоҳида ваколатлари ажратилган ҳолда тартибга солинганлигини эътироф этади.

Юқоридаги қонунчилик ҳужжатлари таҳлили ва ўтказилган ижтимоий сўровларнинг натижалари¹ асосида ҳамда хорижий илғор тажрибаларни инобатга олиб, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида ҳукуматнинг мақоми алоҳида ўрин тутишидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси (87-модда «иккинчи» ва «учинчи» қисми, 88-моддаси «учинчи» қисми)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали конституциявий қоидалар билан «ҳукумат» ва «ҳукумат Раиси»нинг алоҳида алоҳида ваколатларини белгилаш таклифи ишлаб чиқилган.

3. Муаллиф Вазирлар Кенгаши томонидан ўз ваколатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби бўйича таҳлил ўтказганлиги, унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси (89-модда «учинчи қисми»)да ушбу ҳуқуқий тартиб тўлиқ тартибга солинмаганлигини қайд этади. Қонунчилик ҳужжатлари таҳлили ва ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари² асосида ҳамда хорижий давлатлар (Россия Федерацияси таркибидаги Татаристон, Бошқирдистон, Доғистон, Бурятия, Ингушетия, Адигея, Олтой)нинг бу борадаги илғор тажрибаларини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси «учинчи» қисмига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали *Вазирлар Кенгаши томонидан ўз*

¹ Диссертациянинг 2 ва 3-илоvasида келтирилган.

² Диссертациянинг 4 ва 5-илоvasида келтирилган.

ваколатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий тартибини янада такомиллаштириши лозимлиги тақлиф этилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг давлат органлари билан муносабатларини такомиллаштириш истиқболлари» деб номланган бўлиб, у уч параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобда Жўқорғи Кенгеси Раиси – Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбарининг ҳукумат ва бошқа ижро органлари фаолиятидаги ваколатлари, Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат органлари билан муносабатлари, шунингдек, ушбу соҳалар бўйича хорижий тажрибалар ҳам таҳлил этилиб, шу асосда “*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий ваколатхонаси*” тушунчасига таъриф ишлаб чиқилган.

Муаллиф хорижий давлатлар ҳукуматлари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилувчи мансабдор шахс (Президент, Федерал Канцлер, Вице-президент, Бош вазир, ҳукумат Раиси)ни давлат бошқарув шакли асосида тайинлаш (ёки сайлаш) тартибларини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этган.

Шунингдек, аксарият хорижий мамлакатлар (Франция, Германия, Италия, Испания, Япония, Австрия, Греция, Непал, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия Федерацияси таркибидаги Татаристон, Бошқирдистон)нинг бошқарувида ҳукумат Раиси ёки ҳукумат аъзолари фаолиятлари юзасидан парламент (ёки унинг қўйи палатаси) томонидан ишончсизлик билдириш ваколати ҳуқуқий жиҳатдан белгиланганлигини эътироф этиб, бу борадаги хорижий давлатлар (Россия Федерацияси таркибидаги Татаристон, Бошқирдистон)нинг илғор тажрибаларини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси бошқарувида ҳам Жўқорғи Кенгеси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Вазирлар Кенгаши Раисига нисбатан “*ишончсизлик вотумини билдириш*” ҳуқуқини белгилаш тақлифини асослаган ҳамда шу асосда “*Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати Раиси лавозимига номзодни тайинлаш ва озод этишнинг янги ҳуқуқий тартиби*” ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши ўртасидаги муносабатлар таҳлил этилиб, икки олий давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, улар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мазкур давлат ҳокимиятлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини янада шакллантиришда «*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ваколатли вакили тўғрисида*» Низом қабул қилиниши кераклиги асосланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси мақомидан¹ келиб чиқиб, шунингдек хорижий давлатлар (Россия

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик декларацияси». – Тошкент: 1990; Қорақалпоғистон Республикасининг «Давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияси». – Нукус: 1990; Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуни. – Тошкент: 1991. 1, 17-м. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991. 11-сон, 246-м; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: 2017. 70-75-м; Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. – Нукус: 2014. 1-120-м.

ҳукумати ва Татаристон ҳукумати ўртасидаги муносабатлар¹)нинг илғор тажрибаларни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлар Кенгаши ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар асослантирилган:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² *“сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш, иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш”*, *“Ўзбекистон Республикасининг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини, халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”* бўйича вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифалар асосида муаллиф давлат ҳокимияти органлари, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлар Кенгаши ўртасидаги муносабатларни янада конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш зарурлигини асослаган. Хусусан, унинг фикрича, ушбу ислохот Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ҳамдаикки республика ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи шартнома асосида, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ норма ва принципларини инобатга олиб, янада такомиллаштириш тавсиясини илгари сурган. Мазкур ислохот, ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлар Кенгаши ўртасидаги муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан янада тартибга солиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси томонидан унинг таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқларини янада муҳофаза қилишига замин яратилишини эътироф этган.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ижро ҳокимияти органлари тизимида доимий ваколатхона фаолияти мустақил ташкилий-ҳуқуқий орган сифатида алоҳида ўрин тутишидан келиб чиқиб, ушбу тузилма таркиби Қорақалпоғистон Республикаси бошқарувининг учта субъекти – Жўқорғи Кенгеси Раиси – Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбари, Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши иштирокида шакллантириш тартибини ўз ичига қамраб олувчи янги таҳрирда *«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий ваколатхонаси тўғрисида»* Низом қабул қилиш таклифи ишлаб чиқилган.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги муносабатларни таъминловчи доимий ваколатхона

¹ Россия Федерацияси ва Татаристон Республикасининг 1994 йил 15 февралдаги «Россия Федерацияси давлат ҳокимияти органлари ва Татаристон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатларни ўзаро тақсимлаш ва бир-бирига бериш тўғрисида»ги шартнома. // URL – <http://www.kazanfed.ru/docum/dogovor/1/> - мурожаат қилинган сана – 17.07.2018

² Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент., 2017. 6 (766)-сон. 70-м. – Б. 25–150; URL – <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2> - мурожаат қилинган сана – 17.07.2017.

раҳбарининг мақомига доир хорижий тажрибалар (Россия Федерацияси таркибидаги Татаристон ва Доғистон) қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилиб, унинг натижасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вазирлар Кенгаши доимий ваколатхонаси раҳбарининг мақомини янада такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган. Хусусан, *доимий ваколатхона раҳбарини бир вақтнинг ўзида Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари лавозимига тенглаштириш* таклифини асослаган.

4. Президентимизнинг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»¹ги Фармони билан ижро органлари фаолиятида, биринчидан, *давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш*; иккинчидан, *ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташиқил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш*; учинчидан, *тегишли ваколатларни ҳокимга босқичма-босқич ўтказиш орқали ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш* ва бошқа вазифалар асосида муаллиф куйидаги таклиф ва тавсияларни асослантирган:

а) давлат ҳокимияти, шу жумладан, ҳукумат ва бошқа ижро органлари тизимида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, лавозимидан озод қилиш, захира кадрларни шакллантириш, уларни шаҳодатлашдан ўтказиш, хизмат ўташ тартиби, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ва бошқа қоидаларни ўз ичига қамраб олувчи *Қорақалпоғистон Республикасининг «Давлат хизмати тўғрисида» Қонунқабул* қилиш таклифи ишлаб чиқилган. Унинг фикрича, ушбу қонун бевосита давлат ҳокимияти, шу жумладан, ҳукумат ва бошқа ижро органлари тизимидаги давлат хизматчиларининг асосий вазифа ва ваколатларини янада аниқлаштириш имконияти яратилишига хизмат қилишини қайд этади;

б) Конституция ва қонунчилик ҳужжатларида ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлса-да, муаллиф ушбу органлар тизими ва тузилиши, уларнинг асосий вазифа ва ваколатлари тўлиқ тартибга солинмаган, деб ҳисоблайди. Мазкур органлар ҳам коллегиял ҳам яқка бошчиликдаги органларни бирлаштирувчи мураккаб иерархик, кўп тармоқли ва кўп функционал тизим бўлиб, бунинг натижасида улар ваколатларини ажратиш учун аниқ ҳуқуқий база ишлаб чиқиш зарур². Шу сабабли, Қорақалпоғистон Республикаси бошқарувида ижро ҳокимияти органлари тизими ва тузилиши, уларнинг асосий вазифа ва ваколатлари, ижро органлар ўртасида ҳамжиҳатликдаги ҳамкорлик, шунингдек, ушбу органларнинг парламент ва ҳудудий вакиллик органлари олдида ҳисобдорлиги, ҳукумат олдида эса масъуллиги ва жавобгарлигини белгиловчи *Қорақалпоғистон Республикасининг*

¹ URL – <http://press-service.uz/uz/lists/view/1008> - мурожаат қилинган сана – 17.07.2018.

² Агалов К.В. Система органов исполнительной власти в Российской Федерации: конституционно-правовые основы. Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Москва, 2003 – С. 20.

«Давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари тўғрисида» Қонун қабул қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

в) Қонунчилик ҳужжатларида ҳукумат ва бошқа ижро органлари таркибини шакллантириш механизмига доир қоидалар белгиланган. Аммо ушбу ҳуқуқий жараёнда асосий иштирок этувчи Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатли давлат ҳокимияти ёки мансабдор шахсларнинг кенг иштироки амалда долзарблигича қолаётганлигини қайд этади. Хусусан, ваколатли давлат ҳокимияти ёки мансабдор шахслар асосан кузатиш, маъқуллаш ёки расмийлик асосида тасдиқлаш каби фаолият билан чегараланаётганлигини эътироф этилди. Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг биргина ички ишлар органлари соҳасини тартибга солувчи қонуни, яъни “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги Қонуни¹ 14-моддаси таҳлил этилган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири билан келишилган ҳолда Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланиши ва лавозимидан озод қилинишига доир қоида белгиланганлигини қайд этиб, ушбу ҳуқуқий механизмда Вазирлар Кенгаши Раисининг ваколатлари ҳисобга олинмаганлигини эътироф этади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 88-моддасида “Вазирлар Кенгаши Раиси Жўқорғи Кенгесига, сессиялар ўртасидаги даврда Жўқорғи Кенгесининг Президиумига ҳукумат Раисининг ўринбосарларини ва ҳукумат аъзоларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод қилиш учун номзодлар тақдим қилади” деб белгиланган қоида асос сифатида келтиради.

